БОЛАЛАР УЧУН ДАСТУРЛАШ КУРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Тошкент – 2024 йил

Лойиҳанинг мақсади:

Хизматлар кўрсатиш соҳасида Болаларга дастурлаш курсларини ўқитиш марказ ташкил этиш орқали аҳолини янги замонавий касб турларига ўқитиш, бизнесларни автоматлаштириш, хориждан инвестиция жалб қилиш учун муҳим соҳалардан бири ҳисобланади.

Лойиҳа тўғрисида маълумот

Бугунги кунда ижтимоий ҳаётнинг қайси жабҳасига кўз ташламайлик, ҳамма жойда компьютерлаштириш жараёни жадал суръатларда амалга ошаётганини кўриш мумкин.

Энди телефон нафақат сўзлашиш қурилмаси, у орқали матнли, аудио, видеохабарларни юборишдан ташқари, ижтимоий тармоқлар орқали мулоқот қилиш ҳам мумкин.

Замон талаби ўқувчиларимиз олдига бу қурилма ва технологиялардан фойдаланишни билишнигина эмас, шунингдек, дастурлаш ёрдамида уларни ривожлантириш, рақамлаштириш вазифаларини ҳам қўймоқда.

Бугунги кунда истеъмолчиларга замонавий савдо автоматлари (вендинг савдоси) орқали туну-кун хизмат кўрсатиш фаолияти ривожланиб бормоқда.

Хўш, дастур ўзи нима?



Компьютер дастури – бирор масалани ечиш учун компьютер томонидан ижро этилиши лозим бўлган буйруқларнинг изчил тўплами.

Дастурлаш – компьютер учун дастур тузиш жараёни.

Дастурчи – дастур тузувчи шахс.

Дастурлашни ўрганиш қандай имкониятлар беради?

– *Сиз сайтларни яхшироқ бошқариш имкониятига эга бўласиз;*

– *Ўз лойиҳаларингиз учун алоҳида дастурчи керак бўлмайди;*

– *Иловалар, веб-сайтлар ва бошқа лойиҳаларни ўзингиз яратишингиз мумкин бўлади.*

Шунингдек, дастурчиларда, умуман IT оламида, ойликлар бошқа соҳаларга нисбатан яхшироқ.

Фаолиятни рўйхатдан ўтказиш

Одатда бундай марказлар болалар билан анча йиллардан бери ишлаб келган ўқитувчилар томонидан очилади. Аввал-бошида уларнинг ўзи қўшимча ҳодимларни ишга олмасдан мустақил равишда дарс беришлари мумкин.

Бундай тарзда ишни бошлаш учун туманлардаги ҳокимиятлар қошидаги “ягона дарча” марказларига бориб маълумот олиш мумкин. Бунда тегишли ҳужжатларни топшириб ва давлат божини тўлаб, ўқитиш ҳуқуқини берувчи патент олишингиз мумкин бўлади.

Агар ёнингизга яна бошқа ўқитувчиларни олмоқчи бўлангиз, уларни ҳам рўйхатдан ўтказиб, ҳужжатларни топшириш ҳамда тўловларни амалга ошириш даркор.

Дастлаб якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган маъқул. Келгусида бизнес барқарор даромад келтира бошлаганидан кейин, ўқувчилар сони анча ортганидан сўнг ҳақиқий мактаб очиш ҳақида ўйласа бўлади.

Янги марказ тўғри ёндошув билан ташкил этилган тақдирда тез фурсатда доимий мижозларга эга бўлиши мумкин.

Масалан, гуруҳларнинг 4-6 кишидан ошмаслиги, ўқитишнинг айнан марказ учун ишлаб чиқилган махсус дастури, қулай жойда жойлашуви сингарилар бўлиши мумкин.

Ўқув марказида болаларнинг ёшига мос ҳолда ўқув дастурларини ишлаб чиқиш лозим.

Жумладан, 5 – 7 ёш, 7 – 9 ёш, 10 – 11 ёш, 11 – 12 ёш, 13 – 14 ёш ва 14 – 17 ёш гуруҳлари асосида. Ушбу ёш чегараларида ўқув дастурлари алоҳида қилиб ишланади.

Ушбу таълим марказида 1 та машғулот вақти 60-90 минутни, машғулот даври 12-18 ойгача муддатни ташкил қилади.

Молиявий харажатлар

№	Номи	Сони	1 та маҳсулот нархи	Жами сумма
1	Ўқув столи	25	500 000	12 500 000
2	Стул	60	150 000	9 000 000
3	Қабулхона столи	1	600 000	600 000
4	Доска (маркерли)	3	450 000	1 350 000
5	Ўқув материаллари (комплект)	3	300 000	900 000
6	Диван	2	1 500 000	3 000 000
7	Компьютер	25	6 500 000	162 500 000
8	Принтер	2	3 500 000	7 000 000
9	Токчалар	2	300 000	600 000
10	Канцелярия маҳсулотлари	1	1 000 000	1 000 000

11	Кийим жавонлари	1	1 550 000	1 550 000
	Жами:			**200 000 000**

Лойиҳанинг умумий қиймати

Номи	**Ўз маблағи** ***(сўм)***	**Кредит маблағи** ***(сўм)***	**Жами**
Ускуна ва жиҳозлар	50 000 000,0	150 000 000,0	200 000 000,0
Ўқув биносини таъмирлаш	15 000 000,0		15 000 000,0
Ижара тўловлари (*70 кв.м.*)	3 000 000,0		3 000 000,0
Реклама харажатлари	500 000,0		500 000,0
Бошқа харажатлар	1 500 000,0		1 500 000,0
Жами:	**70 000 000,00**	**150 000 000,0**	**220 000 000,0**
Улуши:	**32%**	**68%**	**100%**

Хизмат кўрсатиш нархи

Тошкент шаҳридаги IT соҳасидагилар учун тайёрлаш курслари нархи:

Ўқув маркази нархи	**Гуруҳ курслари нархи (ойлик, сўмда)**	**Дарслар давомийлиги**
“Najot Ta’lim”	800 мингдан 2 млн.гача	4–11 ой
“BePro IT Academy”	800 мингдан 1 млн.гача	1,5–8 ой
“SOS Academy”	700–900 минг	4–9 ой
“PROWEB”	1,4 млн	2–10 ой
“Astrum IT Academy”	1,2–1,8 млн	1–1,5 йил
“Ilmhub”	790 мингдан 2,2 млнгача	4–9 ой
“Codecraft”	650–750 минг	2–9 ой
“JuniorCode”	540 минг ва ундан юқори	6–12 ой

“Bobir Akilkhanov Tech Academy”	2,3−2,5 млн	3−9 ой
“PDP Academy”	1,4 млн	2,5−11,5 ой

Юқоридаги маълумотдан келиб чиқиб, ташкил этилаётган ўқув марказида 1 та болага 1 ойлик тўлов ўртача 1 млн. сўм қилиб белгиласак, шунда ўқув маркази 30 та бола учун 1 ойда 30 млн.сўм даромад кўриши режалаштирмоқда.

Хизмат кўрсатиш режаси

№	Маҳсулот номи	Ўл. бир.	1 ойда кўрсатиладигаН хизмат нархи	1 йилда кўрсатиладиган хизмат нархи
1	Болаларга дастурлаш курслари	сўм	30 000 000,0	360 000 000,0

Кредит маблағларини қайтариш

Номланиши	2023	2024	2025	2026	2027
Асосий тўлов	0	37 500 000	37 500 000	37 500 000	37 500 000
Фоиз	31 000 000	27 000 000	23 600 000	15 750 000	7 800 000
Жами	**31 000 000**	**64 500 000**	**61 100 000**	**53 250 000**	**45 300 000**

Ойлик маош харажатлари

Номи	Ходимлар сони	Ойлик тўлов	Жами ойлик тўлов
Директор	1	2 000 000,0	2 000 000,0
Ўқитувчи	3	3 000 000,0	9 000 000,0
Администратор	1	1 500 000,0	1 500 000,0
Уборщица	1	1 000 000,0	1 000 000,0

Ижтимоий суғурта бадаллари	12%		1 620 000,0
Жами			**15 120 000,0**

Рентабиллик даражаси

Соф тушум ва соф фойда

Номланиши	**1- йил**	**2- йил**	**3-йил**	**4-йил**	**5-йил**
Хизмат кўрсатишдан тушган тушум	360 000 000,0	360 000 000,0	360 000 000,0	360 000 000,0	360 000 000,0
Ижара тўлови	36 000 000,0	36 000 000,0	36 000 000,0	36 000 000,0	36 000 000,0
Ойлик тўлови харажатлари	181 000 000,0	181 000 000,0	181 000 000,0	181 000 000,0	181 000 000,0
Коммунал харажатлар	3 600 000,0	3 600 000,0	3 600 000,0	3 600 000,0	3 600 000,0
Кредит тўловлари	31 000 000	64 500 000,0	61 100 000,0	53 250 000,0	45 300 000,0
Реклама	2 000 000,0	2 000 000,0	2 000 000,0	2 000 000,0	2 000 000,0
Ўқув қуроллари харажатлари	3 000 000,0	3 000 000,0	3 000 000,0	3 000 000,0	3 000 000,0
Кўзда тутилмаган харажатлар	3 000 000,0	3 000 000,0	3 000 000,0	3 000 000,0	3 000 000,0
Солиққа қадар тушган даромад	100 400 000,0	66 900 000,0	70 300 000,0	78 150 000,0	86 100 000,0
Айланмадан олинадиган солиқ (4%)	14 400 000,0	14 400 000,0	14 400 000,0	14 400 000,0	14 400 000,0
Сой фойда	**86 000 000**	**52 500 000**	**55 900 000**	**63 750 000**	**71 700 000**

Эришиладиган натижа

Мазкур йўналишда тадбиркорлар сонининг ортиши натижасида мамлакатда хизматлар соҳаси хажмининг ортиши ва бу соҳада малакали кадрларнинг кўпайишига ҳамда янги иш ўринларининг яратилишига олиб келади. Бунинг провард натижасида аҳоли даромадлари ортади.